


Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги





Агентлик директорининг “Майнинг-пул фаолиятини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами **3507**, 20.03.2024 й.) қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-899-сон Қонунига мувофиқ қонунчилик ҳужжатларида крипто-активларнинг ноқонуний айланмасини ва ноқонуний майнингни амалга оширганлик учун **маъмурий** ва **жиноий жавобгарлик** чоралари белгиланди.



Улар **2024 йил 20 апрель кунидан** бошлаб расмий **кучга кирган**.



2024 йилда крипто-депозитарий фаолияти учун **1** та лицензия берилди

Хизмат провайдерлари сони


(дона)




- Крипто-биржа
- Крипто-депозитарий
- Крипто-дўкон

Давлат бюджетига келиб тушган маблағлар ҳажми


(млрд. сўм)






Агентлик ва халқаро “**Tether**” компанияси ўртасида ўзаро англашув Меморандуми имзоланди. Томонлар қуйидаги соҳаларни ривожлантиришда ҳамкорлик қиладилар:

- блокчейн технологияси;
- барқарор токенлар;
- Ўзбекистонда активларни токенизация қилиш;
- иқтисодий ўсиш рағбарлантириш;
- мамлакатда инновацияларни ривожлантириш.



Жумладан, қонунчилик базасини **такомиллаштириш**, активларни токенизация қилиш технологияларини ва Марказий банкнинг рақамли валютаси (CBDC)-ни жорий этиш, **таълим ташаббуслари** соҳасида ҳамкорлик қилиниши кўзда тутилмоқда.



Ягона интегратор “**UZINFOCOM**” МЧЖ (2-та лойиҳа).

Лойиҳалар: “.UZ” домен зонасидаги номлар учун маълумотларнинг тақсимланган реестри технологияси асосида ўзаро-ўзгармас (NFT) токенлар технологиясини ишлатган ҳолда сертификатларни жорий этиш ва «**Token.uz**» лойиҳасини амалга ошириш.



Octobank

“**Octobank**” АЖ.

Лойиҳа: “**MasterCard**” халқаров тўлов тизими билан биргаликда “**Crypto Card–UzNex**» виртуал банк картаси маҳсулотини ишлаб чиқариш ва жорий этишга қаратилган лойиҳа.

Умумий суғуртада **30 та**


Суғурта ташкилотлари

35 та

Суғурта брокерлари

9 та

Суғурта мукофотлари ўзгариш динамикаси (трлн. сўм)



Ҳаёт суғуртасида **5 та**


Ассистанс, аджастер ва сурвейерлар

20 та


Актуарийлар сони


5 та

Суғурта тўловлари ўзгариш динамикаси (трлн. сўм)



Суғурталовчилар
инвестициялари миқдори
(трлн. сўм)





Суғурталовчилар ва суғурта брокерлари фаолияти



Суғурта брокери фаолиятини амалга ошириш учун **лицензия берилди**



Суғурта фаолиятни амалга ошириш учун берилган **2-та лицензия бекор қилинди**



Суғурталовчи **лицензияси** қўшимча суғурта классификацияси орқали **ўзгартирилди**



Қонунчилик талаблари бузилганлиги сабабли суғурталовчиларнинг **2-та лицензияси** 10 кунга **тўхтатилди**



3-та суғурта ташкилотининг ва **1-та** суғурта брокерининг **лицензияси қайта расмийлаштирилди**



Суғурталовчиларга нисбатан жами **224 млн. сўм жарима** санкциялари **қўлланилди**



3-та актуарий **малака сертификати берилди**

Суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Келиб тушган мурожаатлар

1 592 та

804 та

муурожаат бўйича **11,9 млрд. сўм** ундириб берилди

775 та

муурожаатга тегишли тушунтиришлар берилди




2024 йил 1 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Рақамлаштириш:

- 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб, барча суғурта (қайта суғурта) шартномаларини электрон рўйхатга олиш ва суғурта полисларини расмийлаштириш **Ягона ахборот тизимида амалга оширилади;**
- вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базаларини интеграция қилиш орқали суғурта хизматларини кўрсатиш, шу жумладан шартномалар тузиш ва суғурта даъволарини электрон шаклда тақдим этиш жараёнларини соддалаштириш бўйича ишлар олиб борилади;

Суғурта ва инвестиция фаолиятини тартибга солувчи **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар танқидий қайта кўриб чиқиш мақсадида** Агентлик, суғурта ташкилотлари ва суғурталовчилар уюшмаси ходимларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилиб, бунда:

- суғурта агентлари тўғрисидаги низом ишлаб чиқилди;
- такомиллаштирилган электрон суғурта хизматларини кўрсатиш тартиби ишлаб чиқилди (*келишиш жараёнида*);
- кўрсатилаётган суғурта хизматлари сифати бўйича суғурта ташкилотлари рейтингини аниқлаш тартиби ишлаб чиқилмоқда;
- транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларини қайта кўриб чиқиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилмоқда.




1. Соҳани жадал ривожлантириш мақсадида Капитал бозори соҳасида “Тартибга солиш қумдони” махсус ҳуқуқий режимини тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги Низом (рўйхат рақами 3493, 29.01.2024 й.) қабул қилинди.

Унга мувофиқ, 2024 йил 26 февраль куни, Грузиянинг “Bank of Georgia” АЖ-ти мазкур қумдоннинг биринчи иштирокчиси сифатида рўйхатга олинди.


2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қимматли қоғозлар бозорида мижозларни масофадан туриб рақамли идентификация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2024 йил 26 апрелдаги 238-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжат билан, мижозларни масофавий рақамли идентификация қилиш тартиби ва шартлари ҳамда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш (AML/CFT) тизимини амалга ошириш тартиби белгиланди.



Эмитентлар сони

(дона)




■ АЖ

■ МЧЖ


Эмитентларнинг ўсиш динамикаси

(дона)



Чиқарилган ва бекор қилинган акциялар ҳажми

(трлн. сўм)



■ чиқарилган


■ бекор қилинган


Муомаладаги қимматли қоғозларнинг умумий қиймати

197 трлн. сўм

Чиқарилган ва бекор қилинган облигациялар ҳажми

(млрд. сўм)





Соҳада профессионал фаолиятни амалга ошириш



Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун **3-та** лицензия берилди



5-та профессионал фаолият иштирокчиларининг лицензияси қайта расмийлаштирилди




Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш учун **417-та** малака сертификати берилди (**148-та** I-тоуфа ва **269-та** II-тоуфа)

Инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Келиб тушган мурожаатлар

280 та

110 млн. сўм юридик шахсларга
ва **90 млн. сўм** жисмоний шахсларга
ундириб берилди



Агентлик томонидан, 2024 йил давомида, “Корпоратив ахборот ягона портали”ни такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилган:


1. “Openinfo.uz” ва “Тошкент” Республика фонд биржасининг элеткрон платформаларини ўртасида ўзаро интеграция жараёни амалга оширилди. Ушбу натижасида, эмитентларнинг “openinfo.uz” веб-сайтидаги ҳисоботлари ва муҳим фактлари ҳақидаги маълумотлар автоматик тарзда “uzse.uz” платформасига ўтказилиши тaminланди.

2. Эмитентларнинг ҳисоботлари ҳақидаги маълумотларни (жумладан *Excel* форматида) реал вақт режимида (онлайн) олиш ҳамда уларни бошқа электрон платформаларга “API” орқали жойлаш имконияти яратилди.

3. Платформада эмитентнинг ҳамда у ҳақидаги барча маълумотларни ўз ичига олган ягона профили ишлаб чиқилди.

4. “Қимматли қоғозлар бозори ахборот-ресурс маркази” ДУК “Тошкент” РФБ веб-сайтидан маълумотларига тезкор кириш ва уларни юклаб олиш жараёнини соддалаштириш мақсадида, “Телеграм” ижтимоий тармоғида, тегишли ботлар ([@rfb_toshkent_bot](#) ва [@openinfouz_bot](#)) яратилди.

5. “Қимматли қоғозлар бозори ахборот-ресурс маркази” ДУК Ўзбекистон Миллий банки (Ўзмиллийбанк) билан биргаликда [fondbozori.uz](#) саҳифасида инвесторнинг брокерлик ҳисобварағидаги қолдиқни тўлдириш мумкин бўлган ягона тугма яратди.



1) “Тошкент” РФБ-ни такомиллаштириш ва инвесторларнинг маҳаллий фонд бозорида иштирок этиши тартибини соддалаштириш мақсадида:

- “Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисида низом”га (*рўйхат рақами 1919 09.03.2009 й.*) тегишли ўзгартириш киритиш натижасида йирик шартномавий битимларни амалга ошириш имконини берувчи **“Free of Payment Board”** янги **савдо майдончаси ишлаб чиқилди**. Унга мувофиқ, капитал бозори иштирокчилари ўртасида амалга ошириладиган операцияларнинг:
 - тарифларини пасайтирилишига эришилди;
 - шаффофлиги таъминланди;
 - савдо ҳажми **499,3 млрд. сўм**ни ташкил этди.
- “Тошкент” РФБ-да давлат рўйхатидан ўтказилмайдиган **“Биржа облигацияларни рўйхатдан ўтказиш, жойлаштириш ва муомалада бўлиш тартиби”** ишлаб чиқилди ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқланди;
- ташкилий тузилмаси қайта кўриб чиқилди ва тасдиқлади;
- устав фонди **15 млрд. сўм**га оширилди ва умумий **45 млрд. сўм**га етказилди;
- комиссия тарифлари бозор конъюктурасига мувофиқ қайта кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

2) “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” АЖ-га вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш, банклараро тўлов тизими иштирокчилари ўртасида электрон тўловларнинг белгиланган вақт давомида узлуксиз амалга ошириш имконияти яратилди, шунингдек унинг **“SWIFT”** тизимига уланиши таъминланди.




Агентлик томонидан, 2024 йил давомида, “Европа тикланиш ва тараққиёт банки”, “Осиё тараққиёт банки” ва “Жаҳон банки” вакиллари билан тегишли учрашувлар ўтказилди. Мазкур учрашувлар натижасида, халқаро экспертлар иштирокида, Ўзбекистон Республикасининг “Капитал бозори тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди (*лойиҳа кўриб чиқиш жараёнида*).

Жаҳон банки экспертлари билан ҳамкорликда корпоратив эмитентлар учун “Яшил облигацияларни жойлаштириш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисидаги қоидалар”нинг лойиҳаси ишлаб чиқилди (*лойиҳа жамоатчилик муҳокамаси жараёнида*).


Агентлик ва “Қимматли қоғозлар бўйича комиссиялар халқаро ташкилоти” (IOSCO) ўртасида ҳамкорлик алоқалари кучайтирилмоқда.

АҚШ-нинг “Қимматли қоғозлар ва биржалар комиссияси” (SEC) экспертлари билан биргаликда бир қатор учрашувлар ўтказилди ва ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.




Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги 2023 йил 30 ноябрдаги ПҚ-381-сон қарори.

Электрон тижоратни тартибга солиш ва ривожлантириш соҳасидаги вазифа, функция ва ваколатлар Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига ўтказилди.




2024 йилнинг биринчи чораги давомида, Агентлик томонидан “WeChat”, “AliPay”, “Wildberries”, “Ozon”, “Yandex”, “Uzum” ва “Zoodmall” каби бозорнинг профессионал иштирокчилари, шунингдек соҳадаги бошқа хорижий инвесторлар билан тегишли учрашувлар ўтказилди.

Ўтказилган учрашувлар ва ўрганишлар асосида, ҳозирги кунда, электрон тижорат бозорини ўрганиш, уни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини инвентаризация қилиш ишлари олиб борилмоқда ҳамда аниқланган тўсиқларни бартараф этиш бўйича бозор иштирокчиларининг таклифлари ўрганиб чиқилмоқда.



Онлайн савдо платформалари фаолиятини баҳолаш **рейтинги** тузилиб, Агентликнинг расмий веб-саҳифасида оммага эълон қилинди.

Онлайн савдо платформаси номи	Баҳолаш натижалари асосида рейтингдаги ўрни	Тўпланган баллар
Uzum Market	# 1	40
Wildberries	# 2	37
Zoodmall	# 3	32
Sello!	# 4	26
Asaxiy.uz	# 5	19
Arzonapteka	# 6	13
Tovar.uz	# 7	12
icd.uz	# 8	8



Эътиборингиз учун миннатдорчилик билдирамиз!

